

# Тошкент Оқшоми

2008 йил, 21 март, жума

**XXI АСР САДОСИ**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55 (11.116)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Навоий вилояти Учқудук шаҳрининг Геологлар кўрғонига фаолият кўрсатаётган «Ибн Хидир ота» фермер хўжалиги ҳузурда кичик гишт заводи ишга туширилди. 10 га яқин киши иш билан таъминланган ушбу корхонада йилга 3 миллион дона гишт ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.
- Нурота шаҳрида бўлиб ўтган Навоий вилояти чорвадорлар кенгашида Ўзбекистон Қорақўлчилик ва чўл экологияси, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтлари олимлари, қорақўлчилик ширкат хўжаликлари раислари, бош мутахассислари, вилоятнинг тегишли ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.
- Наврўз байрами арафасида «Маҳалла» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими томонидан 28 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 3,25 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.
- Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшариш ва янгиланиш байрами арафасида «Саховат» акцияси уюштирилди. Унда кам таъминланган оилалардан 153 тасига 1680 бош товуқ ва бир тоннадан ортиқ ем тарқатилди, 16 оилага эса қорамол совға қилинди. 587 нафар фуқаронинг табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал тўловлардан 10 миллион сўмдан зиёд қарзи ҳомийлар ҳисобидан тўланди.
- Республика Болалар кутубхонасида «Болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталиги» яқунланди. Ҳафталик давомида «Ижодкор билан учрашув», «Муסיқа оламига саёҳат», «Хар дарахт, майсани уйғотди Наврўз», «Эртақлар—яхшиликка етаклар» мавзуларида учрашув ва адабий кечалар ўтказилди.
- Шаҳрихонлик уста тadbиркор, пичоксоз Маъмуржон Саидоҳунов Украинада ўзининг устахонасини очди. Бугунги кунда уста пичок ясаш билангина чекланиб қолмасдан, украинлик ёшларга ўз касбининг сир-асрорларини ҳам ўргатмоқда.
- Бойсун туманидаги «Жило-Файз» хусусий фирмасига кўшимча хориж технологияси ўрнатилгач, яна 20 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Корхонада Ёшлар йилда келин-куёвлар учун уй жиҳозларини узоқ муддатли кредитга бериш режалаштирилмоқда. Шу мақсадда туман марказида махсус дўкон ҳам очилди.
- Тўрақўрғонда бандликка кўмаклашувчи марказ туман ҳокимлиги, прокуратура, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этди. Меҳнат ярмаркасида 113 нафар иш сўраб мурожаат қилган фуқаролардан 87 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, 34 нафари касаначилик йўналишидаги меҳнат турига жалб этилди.
- «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида вилоят шаҳарларида «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» бўлиб ўтди. Ўзбек киночиларининг анжуманига энг сара 20 дан зиёд бадиий, 20 та ҳужжатли фильмлар тақдим этилди.


## ЖАҲОНДА

- Италиянинг «La Repubblica» нашри «2008 йил автомобили» кўрик-танлови ғолибини эълон қилди. Танлов натижаларига кўра янги Fiat 500 автомобили ғолибликни кўлга киритди. Иккинчи ўрин эса Mazda автомашинасига насиб этди.
- Саудия Арабистонида мамлакат тарихида биринчи марта факат аёллар учун мўлжалланган меҳмонхона ўз фаолиятини бошлади. Ар-Риёд шаҳрида жойлашган ушбу меҳмонхонада 25 та хона ва бир нечта заллар мавжуд.
- Россия ва Сурия ташқи ишлар вазирлари ҳар иккала мамлакат ўртасида виза режими-ни енгиллаштириш юзасидан битим имзолашди.
- Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги Э.Спаркесни мамлакатнинг Косоводаги янги элчиси этиб тайинлади.
- Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган навбатдаги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 104,48 долларга тушди.
- Кувайт амира мамлакат парламентини тарқатиб юборди ва янги парламент сайловларини ўтказишга даъват этди.
- Кеча Москванинг шимолӣ қисмида ҳужжатларни текшириш чоғида милиция патруль пост хизматининг икки ходими яраланди.
- Бирлашган Араб Амирликлари олимлари узоқ уринишлардан сўнг тўртбурчак шаклдаги бодринг яратишга муваффақ бўлдилар. Бироқ бунда уларнинг инсон саломатлиги учун зарарли бўлган ген муҳандислиги усулидан фойдаланишгани таъкидланмоқда.
- Буюк Британия Молия вазирлиги мамлакатдаги иқтисодий инқироз яна бир йил давом этишини маълум қилди. Бу ҳақда «Daily Telegraph» нашри хабар тарқатди. Вазирлик ходимлари инқирозга инфляция даражасининг юқорилиги, мамлакат банкларининг истезмолчиларга кредит лимитини пасайтириши ва ипотека кредитлари миқдорининг оширилишини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.



**Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урфодатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир.**

**Ислоом КАРИМОВ**



## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

**Жуманиёз ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон халқ шоири

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗ УЗРА ҲАЁТИМИЗ, ДИЁРИМИЗ КЎРКИ БЎЛМИШ ЭНГ ГЎЗАЛ, ЖОНАЖОН БАЙРАМИМИЗ—НАВРЎЗ КЕЗМОҚДА. ТАСАВВУР КЎЗГУСИДА ҲАР БИРИМИЗ УНИ БУТУН КЎЛАМИ, ЖОЗИБАСИ БИЛАН ҲАЁЛДА ГАВДАЛАНТИРАМИЗ.**

Бизнинг кунларга етгунча катта тарихини ўз бошидан кечирган. Буюк мустақиллигимиз йилларида диёримиз Ўзбекистонда Наврўз ўзининг ҳақиқий маъносини топиб, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Ҳа, Наврўз—Президентимиз Фармонлари билан тасдиқланган ҳақиқий байрагимиз! Чунки, Наврўз байрами қандайдир ва ким томонидандир ўйлаб то-

Бу йил, яъни 2008 йил Президентимиз ташаббуслари билан Ёшлар йили деб белгиланди. Бунда мислсиз улғ маъно бор. Чунки ёшлар меҳнати, бунёдкорлиги, ижодкорлиги, ғайратисиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. Ёшлик билан Наврўз ўртасида яқин маънодошлик, чамбарчас боғлиқлик бор. Ёшлик—болалиқдан сўнгги энг кўркем, шижоат ва меҳру муҳаббатга тўлиқ, фидойи бир салтанатки, у мўъжизалар яратишга қодир. Ватанимизнинг келажаги, бахту саодати, сарҳадларимиз муқаддаслиги ана шу ёшларимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам халқимиз, юртимиз, Юртбошимиз ёшларимизни чин дилдан ардоқлайдилар. Шу сатрларни ёзарканман, қуйидаги шеърим мисралар қалбимдан отилиб чиққандай бўлди:

*Бир ёшлар юксалиди Ватан бағрида,  
Ҳар бири бир дунё ижода қодир.  
Бахралар олувман улар бахтидан,  
Ҳам гўзал, ҳам моҳир, марду баҳодир.  
Ҳар бири Ватанинг беги, бекаси,  
Ҳар бири шу юртининг мағрур эгаси.  
Ҳар бири ўз халқини бахти, эркаси,  
Тоғларни кўтарар дадаи елкаси.  
Ҳамisha омонда бўлсин бошлари,  
Қудратли юртининг азиз ёшлари!*

Бу мислсиз тароват, гўзаллик, меҳру оқибат байрамини улғ олим шу ирларимиз ҳам ҳамisha муқаддас билиб, ижод ва тафаккур гавҳарларини яратишган. Улар халқимиз қалбига абадий муҳрланган гавҳарлардир.

Наврўзнинг муборак бўлсин, буюк, Мустақил Ватанимиз. Улғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек, ҳар тунимиз қадр ўлиб, ҳар кунимиз Наврўз бўлаверсин!

## НАВРЎЗИМ

*Наврўзим, дилга жо таманчаларинг,  
Кўзимни яшнатур томошаларинг,  
Тилимда мадҳингу тасанчаларинг,  
Марҳабо, Наврўзим, офтоб юзлагинг,  
Кўшим, қувончим, бахтим, ўзлагинг!*

*Офтоб ярашай самовотинингга,  
Тасанно меҳрингга, саховатингга,  
Салманго бу олий саодатингга,  
Марҳабо, Наврўзим, ширин сўзлагинг,  
Сени жондан кўтлар юртим, ўзбегим!*

*Ватаним бағрида қувончингиз ё,  
Бунёдкор инсонни айла сарфароз,  
Янграсин кўшиқлар, жараңласин соз,  
Марҳабо, Наврўзим, қора кўзлагинг,  
Дилбарим, дилдорим, ойдин юзлагинг!*

пилган ёки қандайдир воқеа ёхуд санага бағишланган тантана эмас, у табиатнинг ўзи яратган, бизга инъом этган буюк армуғонидир.

Бу йилги Наврўзимизнинг ўзига хос фазилати шундаки, у Мустақиллигимизнинг 17-навқирон йилида ўтмоқда.

**ПОЙТАХТИНИНГ**  
*Бир кўнги*  
Янгиликлар, воқеалар

## БОЛАЛАРГА БАЙРАМ СОВГАЛАРИ

Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Наврўзга бағишланган хайрия тadbирлари, байрам сайиллари, концертлар, кўргазмалар, халқ ижодиёти фестиваллари, маданий-маърифий тadbирлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Ассалом, Наврўз!» деб номланган ана шундай тadbир пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида ўтказилди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Нурия Туреева Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, уларнинг эзгу ва ҳаётбахш мазмун-моҳиятини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш борасидаги ишлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганини таъкидлади.

Маъзур тарбия маскани раҳбарининг ўринбосари Саломат Абдурахмонованинг айтишича, бу ерда уч ёшдан ўн бир ёшгача бўлган юз нафар ўғил-қиз тарбияланади. Уларнинг соғлом, комил инсонлар бўлиб воғая етиши учун Меҳрибонлик уйида барча шароитлар яратилган. Ушбу маскан Ўзбекистон Халқ ташлими вазирлиги ташаббуси билан бир неча йиллардан буюн ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Тadbирда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди. Болаларга байрам совгалари улаштири.

**НАВРЎЗ АЗАЛДАН МЕҲР-МУРУВВАТ, САҲОВАТ, ЭЗГУЛИК АЙЁМИ САНАЛАДИ. БАҲРАМИЗ УЧУН СЕВИМЛИ БАЙРАМЛАРДАН БЎЛГАН УШБУ КУНДА ДАРДМАНД, КЎНГЛИ ЯРИМ, ВОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН КИШИЛАР ҲОЛИДАН ХАВАР ОЛИШ, УЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА МАДАД КЎРСАТИШ ЭЗГУ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН.**

## ЎЗА МУҲБИРИ


Ўқитувчилар иштирокида Наврўзга бағишланган байрам тadbирини бўлиб ўтди.

• **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг таълим ва тарбия бўлимида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тadbир «Ассалом, Наврўз» деб номланди.

• **УЧТЕПА** туманидаги «Ором» ўқув-тарбия марказида ўқитилган тadbир Театр ойнасининг яқунига бағишланди.

**Каска**  
сатрларда

• **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги халқ ташлими ходивлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида



АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМИ!



**ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН КАТТА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ТУФАЙЛИ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАР ОРАСИДА ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР ЭЪГАЛАРИ СОНИ ТОВАРА ОРТИБ БОРМОҚДА. БУГУНГИ СУХБАТДОШИМИЗ ҲАМ ЎЗИНИНГ ЎТКИР ЭЪҲНИ, ҚОБИЛИЯТИ ВА ИСТЕЪДОДИ БИЛАН ТЕНГДОШЛАРИГА НАМУНА БЎЛИБ КЕЛАЁТГАН, ТУРЛИ ТАНЛОВ ВА ОЛИМПИАДАЛАР ҚОЛИБИ, АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА НАФИС САЪЪАТ ЛИЦЕЙИ ЎҚУВЧИСИ ЮЛДУЗХОН ФАЙЗИЕВАДИР. БИЗ АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИГА БИР НЕЧА САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ЭТДИК.**

2008 — Ёшлар йили

ЭНГ БАХТЛИ АВЛОДМИЗ

— Сиз «Келажак овози» танловининг «Бадий ижод ва публицистика» номинацияси бўйича ғолиб бўлдингиз. Ўзингизни бахтлиман деб ҳисоблайсизми?  
— Биз ёшлар бугунги кунда энг бахтли авлодмиз. Сабаби, яратилаётган қатор имкониятлар, эътибор бизни ҳар томонлама мукамал инсон бўлиб улғайишимизга катта кўмак беради. Ер юзиде яшаётган ҳар бир инсоннинг қайсидир жиҳатдан ўз истеъдоди бор. Фақат уни ўз вақтида англаш ва келажакдаги мақсад сари тўғри йўналтириш керак.

Биздан фақат ана шу аниқ мақсад талаб этилади, холос. Илм олиш, изланиш, ўқиш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» Республика ёшлар танлови ана шундай имкониятлардан бири. Бу танлов ёшларни бирлаштириш билан бирга, уларнинг олди-ларидаги мақсадларни амалга ошириш учун ҳам катта мақтаб вазифасини ўтайди.

Мен ҳам 2007 йил ушбу танловнинг «Бадий ижод ва публицистика» номинацияси бўйича қатнашдим ва ғолиб бўлдим. Ушбу танлов менга бир умр унутилмас яхши хотираларни, кечинмаларни инъом этди. Устоз шоирларимиз билан бўлган давра суҳбатлари, уларнинг ижодимизга билдирган фикрлари, тенгдошларимиз билан ўтказган мушоиралар яна бир қадам олдинга одимлашимизга туртки бўлди. Ижодкор тенгдошларимиз билан бирга мушоиралар ўтказдик. Бир-биримизнинг сўзларимизни ёки сатрларимиздаги айрим камчиликларни биргаликда фикрлашдик. Мана шу биз учун ҳақиқий ижодкорона дунё ва муҳит эди. Танловда қатнашиб Республкаимизнинг ҳамма жойларида билимга чанқок, истеъдодлари кўзларида ёниб турган иқтидорли ёшларимиз, тенгдошларимиз борлигидан жуда хурсанд бўлдим. Улар билан кадрдон дўстларга айландик. Мана ҳозир ҳам Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятидаги дўстларимиз, опаларимиз билан гаплашиб, фикрлашиб тураимиз.

— «Келажак овози» танловининг ёшларга таъсири ва аҳамиятига қандай баҳо берасиз?

— «Келажак овози» мега танловининг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, унда нафақат ғолиб бўлган, балки қатнашган ёшларнинг барчаси «бўлди ғолиб бўлдим» деб кетишмайди, балки марказ қошида ташкил этилган, уларнинг қизиқтирган йўналиши бўйича клубларга аъзо бўлишади. Йигилик мажлислар, семинарлар ўтказишади. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги кутубхоналардан, интернетлардан бемалол фойдаланишлари мумкин.

— Мана шу имкониятлардан фойдаланиб эришган ютуқларингиз ҳақида...

— «Келажак овози» Республика ёшлар танловиде қатнашганимнинг менинг ҳаётимда эришган энг катта ютуғим деб биламан. Чунки бундай кенг ва катта қамровли, Республикаимизнинг деярли барча ёшларини бирлаштирдиган танловлар жуда кам. Илк қадамимнинг муваффақиятли ва самарали ўтганидан жуда хурсанд бўлдим. Танловда қатнашиш ва ғолиб бўлиш менга қатор имкониятлар эшигини очди. Бундай ютуқларга эришишимда онамнинг дуолари, ота-онанимнинг руҳлари мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган деб ўйлайман. Бу йўлда менга таълим берган устозларим, йўл-йўриқ кўрсатган устоз шоирларимизга миннатдорчилик билдираман.

— Жорий йил Юртбошимиз ташаббуслари билан «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу йилги режаларингиз қандай?

— Бу эътибор ва ишонч бизнинг эртанги кунимиз ва келажакимиз учун замин ҳозирланаётганининг амалдаги бир ифодаси. Албатта, бизнинг ҳаётимиз ҳали олдинда, лекин уни яхши кеңириш ва кейинчалик яхши таассуротлар билан ёдга олиш фақат ўзимизнинг кўлимизда. Биз Ўзбекистон ёшлари ер юзидеги энг бахтли авлодмиз. Сабаби буюк сўз даҳолари ҳам, улғ аждодларимиз ҳам бизнинг замин тўпроғида вояга етган. Уларга муносиб авлод бўлиш бизнинг ҳар қадамдаги, келажакдаги мақсадларимизнинг энг каттаси. Келажак эса бугундан бошланади.

Айни вақтда Юлдузхон Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Ўзбекистон каналида эфирга узатилаётган «Бизнинг кутубхона» кўрсатувининг бошловчиси. 2007 йил «Кўнглим» номли илк шеърий тўплами нашрдан чиққан. «Кўнглимга орзулар солган қишлоғим» номли тўпламга ижод намуналарни киритилган. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2008 йилги Республика босқичида қатнашган. Шиори:

**Такдирин кўл билан яратур одам,  
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.  
Мирзо МУҲАММАД АЛИШЕР**

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Сканд Р. ТАЯЛ,  
Хиндистон Республикасининг  
Ўзбекистондаги Фавқуллода  
ва мухтор элчиси:

— Наврўз — баҳор ифори тантанаси, янгиланиш ва яратувчанлик рамзи, эзгу умидлар ва ёрқин келажакка ишонч ифодасидир.

Меҳр-мурувват ила меҳмондўст ва бағрикенг ўзбек халқига ўз табригимни билдириш эканман, Наврўз ҳар бирингизга, ҳар бир оилага бахт-саодат, тинчлик ва омад келтиришига тилакдошман.

Сутому ХИРАОКА,  
Япониянинг Ўзбекистондаги  
Фавқуллода ва мухтор элчиси:

— Япон халқи номидан ўзбекистонликларни баҳор байрами ҳисобланмиш Наврўзи олам билан кутлашдан беҳад бахтиёрман. Баҳор ва Наврўз байрамини сизлар билан бирга яшиллик ва гулларга чулганган шаҳарда кутиб олиш менга улкан қувонч бағишлайди.

Бугунги кунда Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва таълим соҳаларида самарали ривожланиб бормоқда. Мен чин кўнгилдан ўзаро алоқаларнинг бундай тараққий этиши Япония ва Ўзбекистон ҳамда халқларимиз ўртасида дўстлик муносабатларининг ривожиде мустақам кўприк бўлишини тилаб қоламан.

Вячеслав ПОХВАЛЬСКИЙ,  
Украинанинг Ўзбекистондаги  
Фавқуллода ва мухтор элчиси:

— Кўп миллатли Ўзбекистон халқини ва пойтахтнинг барча меҳмонларини баҳор ва янгиланиш рамзи ҳисобланмиш Наврўз айёми билан чин юракдан табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ёр бўлсин. Уйлаган орзуларингизнинг рўёбга чиқишига тилакдошман. Эзгулик байрами барча хонадонларга фаровонлик ва аҳиллик олиб келсин.

«E'TIQOD» хусусий корхонаси ана шундай маҳсулот тайёрловчилар сирасига кириб, малакали мебелсозлар ҳамда уларнинг интилувчан шогирдларидан таркиб топган жамоаде илғор технологиялар асосида маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган Европа ҳамда миллий анъаналаримиз уйғунлашган мебел турлари дизайни, мустақамлиги билан четдан харидорларни жалб этмоқда. Айниқса, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия давлатларидаги харидорлар ушбу мебелларга катта қизиқиш билдирмоқда.

— Бозор талабини тўғри англаш ва шу асосда юксак унумли дастгоҳ ва линиялар қувватидан, харидор дидидан келиб чиқиб маҳсулот тайёрлаш, энг муҳими сифатига эътибор қаратиш муваффақиятларга гаров бўлади, — дейди корхонанинг ягона таъсисчиси ва тadbirkor раҳбари Абдуғани Қосимов. — Шунингдек, касб маҳоратини ишлаб чиқаришга моҳирлик билан сарфлаётган ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароит, қулай-

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРНИ ЭЪГАЛЛАШИ, БАЛКИ ХОРИЖИЙ БОЗОРДА ҲАМ ТАН ОЛИНАЁТГАНИ, ЧЕТДАН ХАРИДОРЛАР ЖАЛЕБ ЭЪАЁТЛИГИ РИВОЖЛАНИШ, ИЗЛАНИШ, ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШ САМАРАСИДИР.

«Ўзбекистонда тайёрланган»

ЮКСАК САМАРА

ликлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу йилги асосий мақсадимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг 50 фоизини четга чиқариш, мамлакатимиз экспорт салоҳияти ривожига муносиб улуш қўшишдир. Ана шу мақсадда бугунги кунда 60 турдан зиёд мебел тайёрлаётган бўлсак, унинг янги дизайндаги, Европа стандартлари талабларига ҳар томонлама мос хилларини яратишини кўзда тутганмиз.

Жорий йилда тadbirkorлар ўзларининг мебеллар турлари жамланган янги каталогларни чиқарди. Ундан ишлаб чиқарилиш режаланаётган маҳсулот турлари

ҳам ўрин олган. Шунингдек, экспорт ҳажмини оширишни кўзда тутган ҳолда Италиядан ёғочни қайта ишловчи энг замонавий дастгоҳ келтирилади. Бу маҳсулотлар кўринишида, дизайнида катта ўзгаришлар қилиш имконини беради. Наврўз шодиёнасини янги ютуқ, яъни «Ташаббус-2008» кўрик-танловиде тadbirkorлик йўналиши бўйича С.Раҳимов туманида биринчи, шахар босқичида 2-ўринни эгаллаб кутиб олаётган «E'TIQOD»чилар харидорларга ўзларининг жорий йилда тайёрлаган юмшоқ мебеллари ва стол-стуллари тортқ этишмоқда.

Дилноза СОДИКОВА

Хунари гўзаллар

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

ИНСОНДА ИНТИЛИШ, МАҚСАД БЎЛСА, МЕҲНАТ ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАСА ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИ ҲАМИША ҲАМРОҲИГА АЙЛАНСА, У ХОҲ ЁШ, ХОҲ КЕКСА БЎЛСИН ИШЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИДАН БАҲРА ОЛАДИ.

Ёш ва изланувчан попоп устаси Дилдора Аvezовани ана шундайлар қаторига киритиш мумкин. Дилдора билан суҳбатлашар экансиз, уни баҳор гулига ўхшатгингиз келади, боиси унинг кўзлари яшнаб туради. Дилдора тайёрлаган буюмларни кўздан кечирар экансиз, уларда баҳорий нафосат ва гўзалликни, миллий қадриятларимиз аъзоси ҳамда шарқона удумларимиз, урф-одатларимиз муҳассамини ҳис этасиз. Суҳбатлашсангиз эса бир олам орзулари, ёшлик жўшқинлиги сизни мафтун этади.

Бу орзулари оидин, фикрлари ёрқин қиз Наврўзи олам шодиёнаси арафасидаги ютуқлардан ҳар қанча фахрланса арзийди. Боиси, қўшалоқ байрамни нишон-

лаш шарафига муяссар бўлган Дилдора Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2008» кўрик-танловининг пойтахт босқичида фаоллик кўрсатиб, билим ва маҳоратини намойиш этиб «Энг яхши хунарсоз» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, куни кеча Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Осий рамзи» модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган «Болажонлар — ширинтойлар» болалар модаси фестивалида диплом билан тақдирланди.

— Умрбоқий байрамимиз— Наврўзи олам улқамизга файзу таровати билан кириб келаётган мана шундай шуқушли кунларда

эришган ютуқларим юртимга бўлган меҳримни, хунаримга чексиз муҳаббатимни янада жўш урдирди, — дейди Республика «Тadbirkor аёллар» уюшмаси қошидаги ўқув маркази раҳбари, хунари билан эл-юртга танилаётган попопчи чевар Дилдора Аvezова. — Мен болалигимда ушбу хунарга меҳр кўйдим, унинг сир-асрорларини устозларим кўмагида астойдил ўргандим. Ҳозирда хунарни эъозлаш баробарида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтининг 4-босқичида назарий билимларимни мустақамлаяман.


Дилдора оддий бўз матоси ва турли ипақлардан фойдаланиб аёллар ва болалар либосларини яратади. У ўзининг етти йиллик

фаолияти давомида попопчиликнинг унутилган олти нухасини қайтадан тиклашга муваффақ бўлди. Каштачи-модельер яратган пальто ва камзуллар, кўйлақлар, болалар кийим-кечаклари ўзининг нафис жилоси билан ажралиб туради.

Дилдорани ҳақиқий бахти қулган қиз десак, асло муболага бўлмайди. Ана шу бахт замирида эса унинг тинимсиз меҳнатлари, изланишлари муҳассамдир. У 2003 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлган. 2007 йилда Хитойда ўтказилган Ёшлар мода ҳафталигида фаоллик кўрсатган ва шу йили пойтахтимизда бўлиб ўтган «Мода ва дизайн» ҳафталигида биринчи ўрин эгаси деб топилган.

Айни кунларда Дилдора Аvezова янги-янги либослар дизайни устиде изланмоқда, танбур каштачилиги бўйича нақшлар яратмоқда. Албатта, омад изланганга қулиб боқади. Ҳамиша толеинг ёр, меҳнатларинг бетакрор бўлсин, Дилдора!

Шарифа ИЛЁСОВА



ЯШАРИШ БАЙРАМИ

Баҳор атиди жамолин кўз-кўз, Хуш келибсан элимга Наврўзи!

Юртим жамоли бугун ўзгача бир фусункор. Нилий осмондаги паркут булут тафти ила барчамизга бирдек нур сочувчи куёш жилвакор. Урик шохларидаги новдаларда бодраган марварид гуллари киши қалбига олам-олам севинч ато этади. Жилгаларда ўйнаб-ўйнаб оқаётган сув юракларимизни беихтиёр ҳаптиради.

Ҳа! Баҳор фаслининг яна бир қутлуг, қадимий ва ҳамisha навқирон Наврўзи бу. Бу табиат гўзаллиги, эврилишлар. Дошқозонларда онахонларимиз томонидан тайёрланаётган сумалак, инсонлар табиатидаги ҳалимлик — Наврўз нашидасидан дарак. Инсон ҳиссиётлари тизгинсиз. Дийдорга, дўст-қадрдонлар васлига тапгинади юрак. Сўхбатларда тасвирлаб бўлмас меҳр риштаси, кўнгилларга илиқлик бахшида этувчи оҳанрабо муҳасам. Бир сўз билан айтганда, баҳорнинг тафти дала-дашт, боғ-роғ, олис қишлоқдаги чекка ҳовлининг бурчак-бурчакларига до-вур кириб борган.

Тепаликдан туриб варрак учираётган болажонлар кўзлари олис-олисни забт этади. Уларнинг шодлиги тоғлардан ҳам ошади. Қишнинг совуқ, изгиринларидан қочиб бўғотлардан кўним топган қушлар самода чарх уради.

Наврўз оқибат, меҳр-мурувват элчиси ҳамдир. Кишилар бир-бирларидан холаҳвол, хабар олишга ошиқадилар. Қари-ялар бор уй файзиёб бўлиб, улардан ҳол сўраб, дуоларини олувчиларнинг кети узилмайди. Кўнгил булогидан барча бирдек қониб меҳр сувини сипқоради. Диллар-дилларга пайванд, юраклар ҳаяжондан энтиқади. Наврўзи олам ана шундай муаттар, ана шундай муаззам байрам. Шу сабаб Наврўзи оламни ўзгача бир кайфият, ўзгача бир шуқуҳ билан кутиб оламиз ва тантана қиламиз.

Муқаддас ЮСУПОВА

НАВРЎЗИМ КЕЛДИНГИМИ, ДИЛЛАРНИ ХУШЛАБ, ЮРТИМГА ЭНГ АЗИЗ КЎННИ БАҒИШЛАБ. ФАЙЗЛИСАН, ФУСУНКОР ФАСЛИ БАҲОРНИМ ЭЙ, ҚАДАМИ ҚУТЛУФ, УЛУФ НАВРЎЗИМ...

Санъат

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

ДИЛИМГА АЖИБ ТУГЕН-ЛА КИРИБ КЕЛГАН УШБУ МИСРАЛАР НАВРЎЗИ ОЛАМ БАЙРАМИГА АТЛАН. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА МИНТАҚАЛАРИДА БУ БАЙРАМНИ ЎЗИГА ХОС ТАЙЁРГАРЛИКЛАР ВА СОВГАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН. ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИДА ҲАМ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ БАСТАКОРЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ЯНГИ-ЯНГИ КҮЙ ВА ҚЎШИҚЛАР ЯРАТИЛДИ.

— Наврўз халқимизнинг азалий қадриятларини, урф-одат ва анъаналарини қамраб олган энг улуғ ва муқаддас байрамдир,— дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев.— Бу байрам замирида наинки халқимизга хос бўлган анъаналар ётади, балки Наврўз айёми кунлари табиат ҳам гул-гул яшан тапанта қилади. Яшаради, янгиланади, борлик ўзини кўз-кўз қилиб рангоранг жилваланади. Халқлар ва элатларни бирлаштиради бу байрам. Кўнгилларга ажиб ифор, дилларга хушнудлик бахш этади. Эзгулик, саховат, яхшилик муҳасам унинг ташрифида. Қадамларида эса хайр-барока, тўқинлик бисёр. Унга ҳар қандай таъриф ва ташбеҳ камлик қилади. Бизнинг Бастакорлар уюшмамиз ҳам Наврўзи оламни ўзгача бир иштиёқ ва завок-шавақ билан қарши олмакда. Бастакорлар томонидан янги-янги куй ва қўшиқлар яратилди. Масалан, менинг ўзим, Абдулла Орипов шёъри билан айтилади «Наврўз» ва К.Раҳмон сўзи билан айтилади «Навбахор» номли янги қўшиқларни яратдим. Наврўз, албатта янгиликни хуш кўради-да. Имкониятдан фойдаланиб газетангиз орқали барча юрдошларимизни баҳор ва гўзаллик байрами билан чин юракдан самимий табриклар қоламиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси бастакорлари Ҳабибулла Раҳимов, Анор Назаров, Баҳрулло Лутфуллаев, Аваз Мансуров, Дилором Омонуллоева, Алишер Икромов, Ойдин Абдуллаева, Хуршида Ҳасанова томонидан «Салом, Наврўз», «Келди Наврўз», «Салом баҳорим», «Гул-гул баҳорим», «Баҳор», «Чучумома», «Гул сайли», «Лапар айтади қизлар», «Фусункор юртим», «Юрт жамол», «Хуш кўрдик», «Элимда Наврўз» каби бир қанча қўшиқлар яратилди.

Мазкур қўшиқлар Наврўз байрами арафасида машҳур хонандаларимиз ижросида пойтахтимизда ва юртимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида бўлиб ўтadиган байрам тантаналарида ижро этилади.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!



Мушоира этади давом

НАВРЎЗ

Уриқлар шоҳида ёнди миш чироқ, Пушти капалаклар кўнди бодомга. Офтоб бир қиздирса кўзлари қора, Лолақизилдоққиз чиқовлар томга.

Жилвосиз тойқоқдай югурар қишнаб, Қиш буйи эснаган эричқоқ сойлар. Баҳор бисотидан кетади яшнаб, Келинчак уйдой қўйна саройлар.

Сумалак бошида келинлар чечан, Лутфида дунё ишқ, сирга айланар. Ёмғир қўбизини чалади шўхчан, Сомонлар тиллага, дурга айланар.

Тарновда пат тараб ошқ мусича Шўх-шўх муччилашиб бахши бўлодир. Кавак илдириш чўла андишгача Бол кириб чечакдан яхши бўлодир.

Ҳазин мазористон дарахлари-да Армон гулларини тўзғитиб порлар. Қабртошнинг ғовидо дехстатларида Хотира шўласин ўқир баҳорлар.

Ҳаёт абадийдир. Ҳаёт — ганимат, Довуа қоқар жарчи, бонг урар Наврўз. Не чоғ сеҳрарсан, она табият, Ҳар бир хужайрада ёқсан юлдуз.

Минг торли саз каби сасланар Инсон Наврўзи саболар оҳангида маст. Тонггача баҳорий завқ ичра жаҳон Бир кучоқ гўлдаси бўлса ажаммас.

Ватанини соғиниб турналар қайтиди, Қирларда лолалар саволат айтиди, Олча, ўрик гуллаб, бол тузар пайни Соғинчлар бош урган остона бўлдим.

Мажнунтоллар ёйди чилвер сочини, Иссиқ кунлар кучди қалдирғочини, Наврўз кийди яна кўклам тожини, Вуқон кўчган тоғдек дарзона бўлдим!

Яшил сўқмоқларда ҳилпарар шамол, Тоғлар елкасида пистоқи рўмол, Қартайган ер янги келинчак мисол, Хўпнинг ёмғирлари дурдона бўлди.

Қайгурма, дил, гуллаш фаслинг қайдадир? Чўпонлар сайратган қамиш найдадир, Гулла, гул хирмонинг тил-қўқайдадир, Найнинг пардасида тарона бўлдим.

Ойдин ХОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

БАҲОР

Она ер уйғониб чорласа борлик, Майсагул куртакка бўлади чирой. Кўёш ҳам ёшариб, эритиб қорни, Номозшом соҳида кутади ойни.

Бу севги! Ниқшда кўмилар олам, Унда бор ҳарорат, ундадир ҳаёт. Жонотлар ҳижрони саври сайёб, Сағваткор дилига беради баёт.

Жилга-чи шилдираб, сой боғдан оқар, Наврўз даврасига қувоч беради. Бу кўзлар тўхтовсиз баҳорга боқар, Мафтункор фаслдан чирой тергани.

Ана сумалагу, уфат, ёлар жам, Гулда — қуш, капалак, ари ҳам бунда. Узда йўқ ҳар бири, олам қувончда, Чечаклар чамани, бўстони шунда.

Эркин ХОЖИЕВ

МАНЗАРА

Турфа ранг гуллардан либослар кийиб, Товусдай тоғлардан улоқдан баҳор. Интиқ юракларда илжинг уйғотиб, Ажиб бир насимлар эсар ҳар саҳор.

Чечаклар юз очиб, чирой кўрсатиб, Қўннинг санъатида ҳавас уйғотар. Қалдирғоч «Вафажер» сурасин ўқиб, Азиз ишқ дарсида зикр ўрғатар.

Кўм-кўк майсазорда лола олови, Гулкоса тула май, мастдир булубулар. Тилида қаж-қаж, қўлда ялови, Самонинг кўз ёши ерга дувишлар.

Шамоллар фох этар чўчмома сирин, Хушбўй ис таралар, туйгулар ҳафиф. Мухаббат тугёни бунида яширин, Шўдир «Келинчак»ка беришган таъриф.

Абдулгани СУЛЛАЙМОН

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Баҳор- табиатиинг гўзал қизинан, Гўнги, гул юзи, пари-пайқари. Баҳор сен инсонинг худди ўзисан, Оламни безовчи моҳир зарари. Сена бегонадир уйку, сукунат, Ичинга сизмайди гайрат-ишжоят, Чўқмоғинг чақнатиб, кўкда балқасан, Чўлларга лоладан гулдан ёқасан. Сен рангин мусаввир, шоирсан латиф, Укамми тенги йўқ чаман айладиң, Безавол хуснингга ошуфта этиб, Кўнглимни мангуға Ватан айладиң. О, баҳор елларинг бунчалар саррин, Уклар қанотингда кезгим келади, Илҳоминг измига берилиб майин, Наврўз шукўҳини ёзим келади.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ

ЮРТИМИЗ УЗРА ФУСУНКОР БАҲОР ФАСЛИ КЕЗМОҚДА, НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИДАН ҚАЛБЛАРИМИЗ МУНАВВАР, ДИЛЛАРИМИЗ ШОД. БАРЧАНИНГ ЧЕҲРАСИДА БАҲОРНИЙ КАЙФИЯТ. АЙНИҚСА НУРОНИЙ БУВИЖОНЛАРИМИЗ, ОТАХОНУ ОНАХОНЛАРИМИЗНИНГ ҚУВОНЧЛАРИ ЧЕКСИЗ. УЛАР ДУОГА ҚЎЛ ОЧИБ ШУНДАЙ ЁРУФ, ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ЁПКАЗГАНИГА ШУКРОНАЛАР АЙТИШМОҚДА.

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бекизи айтимайди. Нуроний отахон ва онахонлари бўлган хонадонларнинг файзи бўлачқа бўлади, албатта. Силдадаги тинчлик-тотувлик, ҳамжиюватлик, меҳр-оқибатлик буларнинг ҳаммаси мана шу кексаларнинг борлиги тўғрисида, десак адашмаймиш. Шу боис Наврўз айёмининг шодиёна кунлари арафасида

ахил ва тотув ҳаёт кечиришган. Аҳмад Бувамиш ҳам юздан ошққ умр кўрдилар. Бувимизнинг шундай табарруқ ёшларга етганларининг сабаби, уларнинг кенг фэйли, сабр-қаноатли, меҳнатқаш ва ҳалол бўлганликлари деб биланам. Шу билан бирга доимо ҳаммага яхшилик қилишни ўйлайдилар. Махалла-қўйда қандай маъража ва тадбир бўлса, нонларини тандирда ўзлари

Шукроналик

НАБИРАЛАРИМ АРДОҒИДА, ЭЪЗОЗИДАМАН,— дейди юз билан юзлашган онахон Иқбол ая



биз мана шундай нуроний онахонлар билан урғашиб, улар билан дилдан сўхбат қилишни ният қилдик. Чилонзор туманидаги «Катта Қозиробод» маҳалласида истикомат қилаётган юз билан юзлашган онахон Иқбол ая Юсуповани топиб, ўйларига бормоқчи эканлигимизни айтганимизда набира келинлари бувилари хозир бошқа набиралариникида эканликларини айтидилар. Шундан сўнг биз Иқбол аяни сўроқлаб Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласига йўл олдик. Ушбу хонадонга кириб борганимизда бизни онахоннинг набира қизлари Маҳмуда опа мамнуният билан қарши олдилар ва очик айвонда баҳорнинг мусадфо хавосидан баҳраманд бўлиб дам олиб ўтирган аянинг олдиларига бошлаб бориб, бизни таништирдилар. Иқбол ая биз билан хурсанд ҳолда кўришдилар.

— Бувимиз бу йил тахминимизча 110 ёшга кирадилар, мен уларнинг бош набира қизлари бўламан, — дея сўхбатни бошладилар Маҳмуда опа. — Бувимизнинг бешта фарзандлари бўлган, лекин улардан бир ўғиллари қолган. Бошқалари турли касалликлар билан оғриб, вафот этишган. Шу ўғилнинг етти қиз ва икки ўғиллари бўлган. Мен ана шу етти қизнинг тўнғичиман. Отам ва онам вафот этишган. Бувимиз кўпроқ бизникида ва бошқа набиралариникида яшайдилар. Гоҳ у набиралари, гоҳ бошқа набиралари келиб олиб келишди. Хозирги кунда бувимизнинг битта ўғилдан 9 набира, 32 та эвара, 34 нафар чеваралари бор. Тўққиз набирани боқиб, катта қилиш ва тарбия беришда бувимнинг кўп меҳнатлари синган. Бизни доимо ҳалол меҳнат қилишга, ўқишга, тўғри сўзлашга ургатиб келганлар. Уларни ёшлиқларидан жамоа ҳўжалигинда меҳнатда чинқиб ўсганлар, уруш йиллари қийинчиликларни енгиб, бориға шўқ қилиб кун кўришган экан. Турмуш ўртқоқлари Аҳмад ота билан етмиш йилга яқин

ёлиб берадилар. Кўпчиликининг дуосини, раҳматини олиб яшаганлар. Мен бош набиралари бўлганим учун буларнинг барини яхши биланам. Менинг ҳам беш ўғлим бор. Тўртта келин қилганман. 14 та набирам бор. Уч келиним билан бирга тураман. Бувимизга бу уч эвара келинлари ҳам жуда меҳрибон, доимо холларидан хабар олиб, гамоҳўрлик қилишади. Илоҳим ҳаммамиз шундай табарруқ ёшларга етайлик. Кексаларнинг бори яхши-да. Хонадонимизда файзу барока бор, тотувлик бор.

Ҳа, Маҳмуда опа бувилари бўлиши Иқбол ая ҳақида фахр ва мамнуният билан гапирар экан, мана шундай улуғ ёш ҳаммага ҳам насиб қилавермаслигини, бунинг учун инсонда барча эзгу фазилатлар муҳасам бўлиши кераклигини таъкидладилар. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан кексаларимизга эътибор ва гамоҳўрлик кўрсатилаётганини, ҳар бир байрамларда уларни йўқлаб, совғалар берилаётганини алоҳида кайд этдилар. Иқбол ая бизнинг сўхбатимиз мазмунини севдилар чоғи, қўлларини дуога очиб, «Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, менинг ёшимга етиб юринглар, соғомон бўлинглар, мени кўргани келганинглар учун раҳмат», дея мамнуният билан дуо қилдилар.

Пирму бадавлат нуроний онахон билан танишиб, у кишининг дуоларини олиш бахтига сазовор бўлганимиздан биз ҳам беҳад хурсанд бўлдик. Иқбол ая сингари фарзандлари, набираю эвара-чеваралари ардоғида-эъзозид азия муқаррам бўлиб яшаш бахтига муяссар бўлишини астойдил ният қилдик.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: Иқбол ая Юсупова набира қизлари Маҳмуда опа, эвара келини ва чевараси билан. Алексей Попов олган сурат.

**03-03 ҲАҚИДА**  
*«Доно бўлади»*

**НАВРҶЗИ ОЛАМ — ДОНИШМАНДЛАР МАДҲИДА**

Кимки Наврўз кўни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди.

Умар ХАЙЁМ,  
("Наврўзнама")

Наврўз — оламнинг бошланиши.

Ал-Маъмун Али ибн Муса ар-Ризодан Наврўз ҳақида сўраганларида, у: "Наврўз фаршталар улуғланадиган кўндир, чунки улар шу кўнда яратилганлар. Уни пайгамбарлар ҳам улуғ тутганлар. Чунки Қуёш шу кўнда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаганлар. Бинобарин, у замоннинг биринчи кунидир", деганди.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ,  
("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар")  
Наврўз — байрамлар шоҳи.

ФИРДАВСИЙ  
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак.

Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг бўлсун Наврўз.

Алишер НАВОИЙ  
Наврўзда табиат жонланибгина қолмай, инсон табиати ҳам уйғонади.

Садриддин АЙНИЙ  
Баҳор айёми келди, дашту сахро лоззор ўлди,  
Замин сарсабзу гулшан тоза, ер ойнавор ўлди.

Кўтарди қумриқ булбул фиғону нола ҳар ёндин,  
Басе ҳусну назокат сарви гулдин ошқор ўлди.

Насими руҳларвар ҳар тарафдин юрди боғ ичра,  
Димоғ ўлди муаттар, бўйи гулдин мушқбор ўлди.

Терилди барги гулга дона-дона гавҳари шабнам,  
Этарда сайри гулшан ёр аёйна нисор ўлди.

НОДИМ  
Калди айёми баҳор, олам гулистондур бу кун,  
Лолалар очилди, сахро боғу бўстондур бу кун.

Этти Наврўз гул чаман ҳусни расолар ҳусини,  
Ишқда дил булбули беҳуд мастондур бу кун.

НОЗИМА  
Фасли навбахор ўлди кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

Субҳидан тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.

Настаран ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,  
Наргис очибон кўзни интизорӣ ёронлар.

Бир сахар адим уйғоқ — ўт тутощди оламга,  
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Қумрилар қилиб қу-қу, булбул айлабон чақ-чақ,  
Сарв гул уза доим тортар оҳу афгонлар.

Булбул ўқуғоч йиғлаб субҳидан ҳазон фаслин,  
Ғунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Кечтилар вафо аҳли қолмайн тутуб савсан,  
Кийди қўқ қилиб сунбул зулфини паршонлар.

Қуймасун бу савдода не учун димоғимком,  
Ранжу ғуссада доно, кеча шод нодонлар.

ФУРКАТ  
Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Субҳат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Ҳуш бу маҳфилда тириклик — улфату аҳбоб ила  
Йянашиб гоҳе табиати қилайлик чоғлар.

Рўқ очиб, кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайин,  
Айрилиб ҳушу ақлдин, телба бўлмай соғлар.

Хайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,  
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Малҳам истаб кимсадин, захми дил изҳор айласанг,  
Чорая қилмоқдин ўзга, устига тирноғлар.

Тобақай мундоғ маломат кўнжиди доим Муқим,  
Бу замон кўз туттин эмди сенга бўлсун тоғлар.

МУКМИЙ  
Гул чехрасида насими Наврўз на гўзал!  
Кавзанда чаман, бўлса дилафрўз на гўзал!  
Шод бўлсанг-у ҳар лаҳза бугун завқи билан,  
Ўтган кўндан ҳеч очмасанг сўз на гўзал!

Тонг чоғида ул гулки, қулиб тўжилади,  
Ел бирла ҳижолати қилиб тўжилади.  
Ўн кун ичиди гул ниш урар, ғунча тугар  
Ҳам очилар ул, ҳидга тўлиб тўжилади.

Наврўзда қўлингта тут қадаҳ лола мисол,  
Топсанг яна лолоза билан айла висол  
Ҳам ҳўлла шароб хурраму шод, кўна фалак  
Бир кун бу алиф қадни эгиб, қилгуси дол.

Умар ХАЙЁМ  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



**АССАЛОМ, НАВРҶЗИ ОЛАМ!**

Маълумотларга асосланадиган бўлсақ, бундан қарийб 3000 йил бун Марказий Осиё аҳолиси сумалакни азизлаб фасли баҳорни қутиб олиш, қишлоқ ҳўжалиги юмушларини бошлаш арафасидаги Наврўзи олам байрамида тайёрлашни муносиб қўришган. Сумалак таомномасини афсонавий Биби Сешанба эмас, балки халқ идроки билан бунёд қилинган деса бўлади. Айни баҳор палласида қизгин меҳнат жараёни жадал тус олганда киши билан силласи қуриб, қараб чиққан зироаткорларга дармон бўлиши мақсадида ҳам сумалак тайёрлашни анъанавий русм тусига кирганлиги воқеликдан йироқ эмас.

Биз интиқлик билан қўлиб оладиган Наврўзи оламнинг татими, киши аъзоларига баҳра берувчи сумалакнинг ҳосиятларини хориқлик олимлар ҳам тан олишди.

Шарқ халқлари ҳаёти ва турмуш тарзини яхши биладиган немис олимларидан Эмерсон ва Эванс унган бугун доналарнинг ҳислатларини ўрганиш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борганлар. 1936 йилда бу олимлар ниш урган бугдой муртаги тарихида «токоферол» номи билан юртилувчи биологик фаол модда салмоқли микдорда бўлишини қайд этганлар. Ҳозирда токоферол Е белгилли дармондори сифатида ниҳоятда қадрланади.

Бугдой муртаги ва ўсимтаси мавжуд бўладиган салмоқли микдордаги

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ АҲОЛИСИ НАВРҶЗИ АЙЁМИНИ ҚАНЧАЛИК ОРЗИҚИБ ҚУТИШИ БАРЧАМИЗГА АЁН. БУ НАШИДАЛИ ПАЛЛАЛАРДА СУМАЛАК НАВРҶЗИ ОЛАМИНИНГ ЭНГ ТАНИҚ ВА ТАТИМЛИ ТАОМИ ҲИСОБЛАНАДИ. КҲҲНА ЗАМОНЛАРДАН БЕРИ ЭЛ-ЮРТИМИЗ АЙНИ БАҲОР ПАЛЛАСИДА, НАВРҶЗИ ОЛАМ ТАНТАНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАЙДИГАН СУМАЛАКНИНГ СЕРҲОСИЯТЛИ МАНБА ЭКАНЛИГИНИ ТАЪКИД ЭТИБ ҲТМАСДАН БҲЛМАЙДИ. УШБУ СУЮКЛИ ТАОМИНИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ ИБТИДОЙ ИЙГИМ-ТЕРИМЧИЛИКДАН ЗИРОАТЧИЛИККА ҲТИШ ДАВРИГА БОРИБ ТАРҚАЛАДИ.

**Наврўз инъомлари СУМАЛАК ТИЛСИМИ**

Е белгилли витамин юкори ҳароратта бардошли, ишқорий ва нордон муҳитларда осонлик билан парчаланмайди, барқарорлиги билан ажралиб туради. Мазкур дармондори инсоннинг ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган зарурий омил ҳисобланади. Ушбу модда одамнинг жинсий гормонларини уйғунлаштиради, эркакларни наслсизлик балосидан, аёлларнинг бепуштлиги, бемавруд ҳомила ташлаш каби азиятли дамлардан асрайди. Е белгилли дармондори организмда оксидланувчи жараённи тўхтади, аъзоларнинг қаришига маълум даражада чек қўяди, бундан ташқари у одам аъзоларида холестерин микдорини меъёрида сақлаб туради, мушакларда гликоген

моддасининг йиғилишига ёрдам беради. У қилтомирлардаги қон оқими яхшилайди.

Тиб илмининг билимдонларидан бўлмиш Сергей Зайцевнинг берган маълумотларига асосланадиган бўлсақ, ундирилган бугдой хавфи калсалликларга «йўл очадиган» атеросклероз, ўткир кўринишдаги бронхит, дистрофия тўқималарида моддалар алмашинувининг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган носозлик, қон ва лимфа айланишининг бузилиши каби хасталикларга, ўпка сил, кўтир ҳамда гүш хасталикларига ҳам эм бўлар экан.

Қизиги шундаки, Е белгилли дармондори одам аъзоларида ҳосил бўлмайди, у фақат озиқ-овқат махсу-

лотлари орқалигина организмга тушиши керак. Ҳқувчиларда табиий ҳолда савол туғилиши мумкин: «Сумалак 10-12 соатлик оташ олов ҳароратида қайнатилади-ю унинг таркибиди мавжуд бўлуви «токоферол» моддаси парчаланиб кетмайди?»

Аваллабор юкорида қайд этиб ўтилгандек, мазкур ҳаётбахш омил 170 даражали ҳароратта бардош беради. Ваҳоланки, сумалакни қиёмига етказишда таҳминан 130 даражали ҳарорат кифоя қилади.

Олиб борилган кўпгина кузатишларда жиддий касалликлар билан оғриган беморлар таомномаси, (рацион) таркибига ундирилган бугдойнинг таъсир кучи қутилганидан ҳам зиёда бўлиши аниқланди. Беморларнинг аҳоли яхшиланishi билан бирга, сочларининг асл ранги тикланди, кўзининг илғаш ҳусусияти ортди, тиш ва милқларининг муштаҳам бўлиши қайд этилди. Бу борада ундирилган бугдой шундай ҳомилага ёхуд бўтқа, илашма (кисел) ҳолида истеъмол қилиниши ҳам мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, агар сумалакни рисоладагидек тайёрлаб муқимлаб қўйиладиган бўлса, уни йилнинг ҳар фаслида ҳам истеъмол қилиб, унинг шифобахш марҳаматидан ўз ўрнида фойдаланиш мумкин.

Маннон НАБИЕВ,  
доришunos

**Байрам дастурхонига ТУРЛАРИ ОРТИБ, СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА**

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КҲРСАТАЁТГАН ТАДБИРКОР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҲАМ БАРЧА ҚАТОРИДА НАФОСАТ ВА ГҲЗАЛЛИК АЙЁМИ НАВРҶЗИ БАЙРАМИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ҚУТИБ ОЛИШГА ИНТИЛИШМОҚДА.

Айниқса, аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаш йўлида баракали меҳнат қилаётган, янги махсулот турларини харидорларга тортиқ этаётган жамоалар хонадонларга файз бағишламоқда.

Ана шундай жамоалардан бири «ИЛВАТ» масъулияти чекланган жамияти қандолатпазлари бугунги кунда 20 хилдан зиёд шириндан шаклар ва сифатли махсулотларини ҳамшаҳарларимизга етказиб бермоқда.

— Албатта, байрам дастурхонини безашда, оила аъзоларига яхши кайфият бағишлашда ҳисса қўшишга ҳаракат қилар эканмиз, — дейди корхона раҳбари Шўҳрат Аминов, — маҳаллий хом ашёдан замонавий технологиялар асосида сара ва сифатли қандолат махсулотлари тайёрлашни, уларни харидор дид ва талаби, эҳтиёжига кўра қадоқлашни йўлга қўйдик. Бу борада ҳозирда 8 нафар уста қандолатпазларимиз меҳнатидан самарали фойдаланаяпмиз. Наврўз дастурхонига атаб бир неча турдаги печенье ҳамда ўзимизнинг шарқона пишириқ — чак-чак тайёрладик. Бу хонадон бекаларимизнинг ишини енгиллаштириб, кайфиятларини кўтаради, деган умиддамиз. Барчага яхши кайфият тилаймиз ва шодиёна шуқуҳига ўз ҳиссамизни қўшганимиздан бениҳоя фахрланамиз.

Шарофат БАҲРОМОВА

**«НАВРҶЗИ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ**

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 1.Наврўз айёми бошланадиган Ҳамал ойининг белгиси. 2.Баҳорнинг кўркам гули. 3.Янгилик, асар яратиш фаолияти. 4.Баланд қирлик ёр. 5.Ўсимлик аъзоси. 6.Узум тупининг илдизига яқин қисми. 7.Оммавий давра қўшиғи. 8.Ингичка узун баргли гиёҳ. 9.Сув йўли. 10.Яқин кишиларга бўлган самимий муносабат. 11.Кўп йиллик


бир даври. 22.Халқ термалари асосида айтиладиган кўшиқ. 23.Пардоз бўёги олинадиган, қизил тусда очилувчи гул. 24.Мамнунлик ҳисси, ифтихор. 25.Ёввойи ҳолда ўсвчи гиёҳ. 26.Экинзор маскан. 27.Мамлакат, ватан. 28.Коинот жисми, ҳарорат ва нур манбаи. 29.Халқ сайилларида ўтказиладиган чавандозлик мусобақаси. 30.Кўллаб етиштириладиган ҳўл мева.

**Муаммонома**

Авалло қуйида таърифлари баён этилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб оққичини ҳал этинг.  
1.Кўкларнинг илк гули — 7,20,19,26,6,26,1,9.  
2.Наврўз таоми — 25, 1,11,2,24.  
3.Майизбоп узум нави — 14,20,27,9,2.  
4.IX аср охири X аср бошларида яшаб ўтган аллома ватандошимиз Ҳаким ат-Термизий меросига мансуб баҳор айёми таърифлаб берилган асар — 5,1,10,4,3,8,5,20,24,1.  
5.Ҳамид Олимжон шеъри, Юнус Ражабий мусиқаси билан ижро этиладиган лирик ашула — 9,13,19,15,1,19.  
6.Ирмоқлардан таркиб топган сув йўли — 17,1,4,21.  
7.Коинот жисми — 23,11,17,13,8.  
8.Дарахт тармоғи — 18,20,16.  
9.Халқ — 22,11.  
10.Эртагишар мева — 12,13,12.

Энди оққич сўзлари жавоблари асосида шаклнинг атрофи ва ички қисми айланаларидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммонома ҳал этинг. Бунда улардан Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг «Ҳамал келди» шеърини тўрт мисрани билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузган



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилими: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМИЛИГИ  
Буюртма Г-206

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
4061 нускада босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбعا акционерлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 2 3 4 5 6 7 8